11-илова

## Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида 2025-йил III чорак давомида коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ҳақида

# УМУМИЙ ҲИСОБОТ

## I. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши чора-тадбирлар дастури бажарилгани тўғрисида умумий ахборот

Қорақалпоғистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашнинг 2025 йил 22 июльдаги 01-12/03-151-сонли **II ярим йиллик иш режаси** тасдиқланди ва белгилган топшириқларнинг ижроси таъминламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Бош прокуратураси ва Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2025 йил май ойидаги «Қорақалпоғистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш, шу жумладан, маиший коррупцияга барҳам бериш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини шакллантириш бўйича» 2025 йил ЙЎЛ ХАРИТАСИ да белгилган топшириқларнинг ижроси таъминламоқда.

Шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг 2025-йил 5-март куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонларидан берилган 14-сонли топшириқлар асосида йўл хариталар ишлаб чиқилди ва ижроси таъминламоқда.

2025 йил 18-20 март кунлари парламентнинг идоралараро ишчи гуруҳи томонидан Қорақалпоғистон Республикасида криминоген вазиятни барқарорлаштириш ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ишлар ҳолатини ўрганиш давомида аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар йўл харитаси ижроси таъминламоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашининг 2025 йил 19 апрелдаги 01-12/03-129-сонли Тўрткўл туманини "Коррупциядан холи" ҳудудга айлантириш бўйича йўл харитаси тегишли бандлари бажарилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлир Кенгашининг Коррупцияга қарши ички назорат бўлими 2025-йил II ярим йиллик иш режаси тасдиқланди ва белгилган топшириқларнинг ижроси таъминламоқда.

Коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш мақсадида Вазирлар Кенгаши, идоралар ва туман (шаҳар) ҳокимликлари ходимлари орасида мунтазам тушунтириш ва тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда, **мониторинг ва назорат** олиб борилмоқда.

## II. Сиёсат ва тартиб-таомиллар

Вазирлар Кенгашининг 2022-йил 20-октябрдаги 505-13-0-Q/22-сонли қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши аппарати ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари тасдиқланди ва унга амал қилиш бўйича барча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек Вазирлар Кенгашининг 2024 йил 5 январдаги 9-13-0-Q/24-сонли қарори билан Вазирлар Кенгашининг:

- коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсати;
- коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти;
- манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича низом;
- алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти;
- ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича йўриқнома;
- контрагентларни текширишга оид йўриқнома;
- ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўриқнома;
- коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти;
- коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низом;
- ходимларининг коррупциявий хатти-харакатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламенти тасдиқланган.

2024 йил 24 декабрь куни Вазирлар Кенгашнинг 821-13-0-Q/24–сон қарори билан “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва унинг тизимида ходимларни ишга қабул қилиш чоғида танлов ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низоми тасдиқланди.

**III. Хавф-хатарларни баҳолаш**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг топшириғига асосан Вазирлар Кенгаши ходимларининг функция ва вазифаларидаги коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш ўтказилди.

Дастлабки баҳолаш жараёнида Вазирлар Кенгаши бошқарув аппарати барча ходимлари ва уларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб қўйилган жами 89 та функция ва вазифалари таҳлил қилиниб, коррупция хавф-хатари мавжудлиги баҳолаб чиқилди ва коррупциявий хавф-хатарлар бирлашган харитаси ишлаб чиқилди. Харитага кўра, 17 та таркибий бўлинмаларда 89 та лавозимларда коррупция хавф-хатарлар баҳоланди.

Мазкур функция ва вазифалардаги коррупция хавф-хатарини бартараф этиш мақсадида, коррупцияга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхати шакллантирилди.

**IV. Амалга ошириладиган коррупцияга қарши курашиш Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш:**

Вазирлар Кенгашида манфаатлар тўқнашуви декларацияланган ва тартибга солинган бўлиб, барча ходимларидан йиллик манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари мавжуд манфаатлар тўқнашуви ёки ходимнинг эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияси тўлдирилди.

Шунингдек, манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича тегишли ички идоравий ҳужжатга асосан ходимлар томонидан хисобот даврида тўлдирилган манфаатлар тўқнашуви бўйича декларациялар тегишли масъуллар томонидан таҳлил қилинди.

Таҳлил натижаларига кўра хисобот даврида Вазирлар Кенгашида манфаатлар тўқнашуви холатлари аниқланмади.

Шу билан бирга, Вазирлар Кенгаши тизимида контрагент томонидан коррупцияга қарши қоидалар бузилиши ҳолатлари содир этилмаганлиги сабабли шартномалар бекор қилинмаган.

**Контрагентларни текшириш:**

2025-йил II чорак даврида Вазирлар Кенгаши томонидан ____та ҳолатда танланма усулда тегишли масъуллар билан ҳамкорликда ўрганиш тадбирлари ўтказилди. Ўтказилган текшириш натижасида уларнинг фаолияти блокланмаганлиги, чекловлар ўрнатилмаганлиги, манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини келтириб чиқармаганлиги сабабли, харид жараёнларида иштирок этишга ижобий хулосалар берилганлиги аниқланди.

**V. Таълим ва коммуникация**

Вазирлар Кенгашининг коррупцияга қарши ички назорат бўлими томонидан ҳар ойнинг охирги ўн кунлигининг жума кунлари сиёсий ўқиш (маърифат соати) тадбирлари доирасида онлайн ва бевосита шаклларда семинарлар ташкил этилиб, ходимларнинг фаол иштироки таъминланди.

Давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашишдаги ҳуқуқий онги ва саводхонлиги доимий ошириб бориш амалиёти йўлга қуйилди.

Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ходимларининг ҳуқуқий билимлари жори йилнинг 6-январидан 7-февраль кунлари оралиғида ўқув семинарлар оффлайн тарзда ўтказилди.

Вазирлар Кенгашининг Коррупцияга қарши ички назорат бўлими ва жойлардаги адлия бўлимлари билан биргаликда жорий йилнинг 7, 8, 15-январ ва 28-феврал кунлари Вазирлар Кенгаши, шаҳар ва туман ҳокимликлари ходимлари ҳамда тегишли соҳа вакилларининг коррупцияга қарши ички назоратни амалга оширишга масъул бўлган ходимлари учун ўқув-семинарлар ташкил этилиб, “Ҳуқуқий билимлар куни” ва “Сиёсий маърифат соати” тадбирлари ўтказилди.

Вазирлар Кенгашида жорий йилнинг **14 март куни** Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг **5 март** куни **“Коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлар самарадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар”га** бағишлан ган Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгашидаги маърузасида белгиланган вазифа ва топшириқларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ва мулоқот қилишга қаратилган ўқув-семинари вазирликлар, туман, шаҳар ҳокимликлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар ходимлари иштирокида бўлиб ўтди.

Жорий йилнинг **8 май** куни Қорақалпоғистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашининг 2025 йил 19 апрелдаги 01-12/03-129- сонли Тўрткўл туманини "Коррупциядан холи" ҳудудга айлантириш бўйича йўл харитасида белгиланган топшириқлар мазмун моҳиятини тушинтириш ва ижросини таъминлаш юзасидан семинар такшил этилди. Йўл харитада белгиланган топшириқлар ижроси жойига чиққан ҳолда урганилди.

**14 май** Бердақ номидаги Қорақалпоқ **давлат университетида** "Коррупция - ёшлар келажагига таҳдид солувчи иллат" мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи Б.Матмуратов, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирининг биринчи ўринбосари А.Пренов, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани суди раиси С.Давлетмуратов, Бош прокуратура ҳузуридаги

Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бўлим бошлиғи Р.Садиков, Қорақалпоғистон Республикаси Прокуратураси бўлим катта прокурори Н.Юлдашов, шунингдек, университетнинг барча факультет деканлари, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

**16 май** Қорақалпоғистон **қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида** "Коррупция - ёшлар келажагига таҳдид солувчи иллат" мавзусида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи Б.Матмуратов, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бўлим бошлиғи Р.Садиков, Қорақалпоғистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи М.Халиэв, институтимиз ректори Б.Жоллибеков ва барча факультет деканлари, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

**21 май** куни Ажиниёз номидаги Нукус давлат **педагогика институтида** олий таълим соҳасида коррупция ҳолатларига қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш масалаларига бағишланган "Коррупция - жамият ривожланишининг тўсиғи" мавзусида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Коррупцияга қарши ички назорат бўлими бошлиғи Ботир Матмуратов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бўлим бошлиғи Рашид Садиков, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги мутахассиси Ҳабибулла Рузимбетов, институт факультетлари деканлари ва уларнинг ўринбосарлари, кафедра мудирлари, профессор-ўқитувчилар, тюторлар ҳамда педагог ходимлар иштирок этди.

**27 май** Қорақалпоғистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш, шу жумладан, маиший коррупцияга барҳам бериш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини шакллантириш бўйича йўл харитаси ижроси юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида Жўқорғи Кенгеснинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси А.Атажанов раҳбарлигида йўл хариталарида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида йиғилиш ташкил этилди. Йиғилишда Жўқорғи Кенгеснинг қўмита раиси Ш.Отемисов, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи Р.Санкибаев ва Вазирлар Кенгашининг коррупцияга қарши ички назорат бўлими бошлиғи Б.Матмуратовлар, шунингдек Вазирлар Кенгашининг масъул ходимлари ва 60 дан ортиқ давлат органлари, ташкилотлар ва корхоналарнинг коррупцияга қарши ички назорат бўлими ходимлари ҳамда шаҳар (туман) ҳокимликлари ходимлари ZOOM платформаси орқали иштирок этди.

**28 май** куни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг "Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш" қўмитаси, Вазирлар Кенгашининг Коррупцияга қарши ички назорат бўлими, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон **тиббиёт институтида** муҳим учрашув ташкил этилди.

**12 июнь** куни **Нукус шаҳар** ҳокимлигида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Коррупцияга қарши ички назорат бўлими бошлиғи Б.Матмуратов раҳбарлигида "Коррупциянинг олдини олиш бўйича ишларнинг самарадорлиги ва асосий вазифалар"га бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

**23 июнь** куни **Амударё тумани** ҳокимлигида коррупцияга қарши курашиш бўйича муҳим йиғилиш ташкил этилди. Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Коррупцияга қарши ички назорат бўлими бошлиғи Б.Матмуратов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иктисодий жиноятларга карши курашиш департаменти Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бўлим бошлиғи Рашид Садиковлар иштирок этиб, мавзуга оид батафсил маъруза қилди.

---

## III ЧОРАК

**2025 йил 2 июль. Қонликўл тумани** ҳокимлигида Президентимизнинг жорий йилнинг 21 апрель куни қабул қилинган "*Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган асосий вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-71-сонли Фармонида ишлаб чиқилиши белгиланган 21 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини* тушунтириш ва мулоқот қилишга қаратилган ўқув-семинари бўлиб ўтди. Шу билан бирга туман ҳокимлигида халқаро стандартлар талабларига мувофиқ одоб-ахлоқ қоидалари ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича ишлаб чиқилган манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш ва бошка ички **идоравий ҳужжатларга риоя** этилиши юзасидан мониторинг ўтказилди.

**-2025 йил 12 июль. Шумонай тумани** ҳокимлигида Президентимизнинг жорий йилнинг 21 апрель куни қабул қилинган "*Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган асосий вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-71-сонли Фармонида ишлаб чиқилиши белгиланган 21 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини* тушунтириш ва мулоқот қилишга қаратилган ўқув-семинари бўлиб ўтди. Шу билан бирга туман ҳокимлигида халқаро стандартлар талабларига мувофиқ одоб-ахлоқ қоидалари ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича ишлаб чиқилган манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш ва бошқа ички **идоравий ҳужжатларга риоя** этилиши юзасидан мониторинг ўтказилди.

**-2025 йил 14 июль . Хўжайли тумани** ҳокимлигида Президентимизнинг жорий йилнинг 21 апрель куни қабул қилинган "*Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган асосий вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-71-сонли Фармонида ишлаб чиқилиши белгиланган 21 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини* тушунтириш ва мулоқот қилишга қаратилган ўқув-семинари бўлиб ўтди. Шу билан бирга туман ҳокимлигида халқаро стандартлар талабларига мувофиқ одоб-ахлоқ қоидалари ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича ишлаб чиқилган манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ

муносабатларни тартибга солиш ва бошқа ички **идоравий ҳужжатларга риоя** этилиши юзасидан мониторинг ўтказилди.

**-2025 йил 15 июль. Нукус тумани** ҳокимлигида Президентимизнинг жорий йилнинг 21 апрель куни қабул қилинган *“Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган асосий вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-71-сонли Фармонида ишлаб чиқилиши белгиланган 21 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳия тини* тушунтириш ва мулоқот қилишга қаратилган ўқув-семинари бўлиб ўтди. Шу билан бирга туман ҳокимлигида халқаро стандартлар талабларига мувофиқ одоб-ахлоқ қоидалари ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича ишлаб чиқилган манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш ва бошқа ички **идоравий ҳужжатларга риоя** этилиши юзасидан мониторинг ўтказилди.

**-2025 йил 25 июль. Бузатов тумани** ҳокимлигида Президентимизнинг жорий йилнинг 21 апрель куни қабул қилинган *“Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган асосий вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-71-сонли Фармонида ишлаб чиқилиши белгиланган 21 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини* тушунтириш ва мулоқот қилишга қаратилган ўқув-семинари бўлиб ўтди. Шу билан бирга туман ҳокимлигида халқаро стандартлар талабларига мувофиқ одоб-ахлоқ қоидалари ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича ишлаб чиқилган манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш ва бошқа ички **идоравий ҳужжатларга риоя** этилиши юзасидан мониторинг ўтказилди.

**-2025 йил 29 июль. ҚР Вазирлар Кенгашида** Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг **5 март** куни **“Коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлар самарадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар”га** бағишланган Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгашидаги маърузасида белгиланган вазифалар ҳамда *Президентимизнинг жорий йилнинг 21 апрель куни қабул қилинган “ПФ-71-сонли Фармонида ишлаб чиқилиши белгиланган 21 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини* тушунтириш бўйича ўқув семинари бўлиб утди. Шу билан бирга одоб-ахлоқ қоидалари ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича ишлаб чиқилган манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш ва бошқа ички **идоравий ҳужжатларга риоя** этилиши юзасидан қатъий талаблар қўйилди.

– **2025 йил август-сентябр**. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг **2025 йил 23 июндаги** Қорақалпоғистон Республикаси ҳуқукбузарликлар, жиноятчиликнинг олдини олиш ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ишлар ишлар тўғрисида”ги 01-10/03-128 – сон протоколининг 2 – бандида берилган ишларнинг бажарилишин таъминлаш мақсадида Жўқорғи Кенгеснинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси томанидан тўзилган ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари сифатида **Матмуратов Б.** Аъзоси **Утемуратов Қ**. иштироқ этди. **20 га яқин** давлат органлари, ташкилотлар ва корхоналарнинг коррупцияга қарши ички назорат бўлими ва ички аудит хизмати фаолиятларининг самарадорлиги ўрганилди. Яхши

натижага эришган ташкилот тажрибалари олиниб бошқа идораларга етказилди. Камчиликга йўл қўйган ходимларга **огохлантириш берилди** ва Техника университети филиалининг коррупцияга қарши ички назорат бўлими ходими **ишдан бўшатилди**.

**- 2025 йил 7 август. Кегейли тумани** хокимлигида Президентимизнинг жорий йилнинг 21 апрель куни қабул қилинган *"Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган асосий вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-71-сонли Фармонида ишлаб чиқилиши белгиланган 21 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини* тушунтириш ва мулоқот қилишга қаратилган ўқув-семинари бўлиб ўтди.

**- 2025 йил 22 – август. "Ишга янги қабул қилинган ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича билим ва куникмаларини ошириш"** бўйича "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги, "Манфаатлар тўқнашуви тўрисида"ги ва бошқа конунлар, шунингдек, Президентимиз Фармон ва Қарорларининг мазмун аҳамияти бўйича укув семинарлар утказилди. Шу билан бирга укув-семинарда жорий йилнинг 21 апрель куни қабул қилинган Президентимизнинг ПФ-71-сонли Фармонида ишлаб чиқилиши белгиланган 21 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти тушунтирилди. .

**- 2025 йил 9-сентябр. Коррупцияга қарши курашиш Агентлигидан келган хатга асос** (*Бўстон сувқурилиш" МЧЖ таъсисчиси Р.Шамурадов мурожаати бўйича*) «Акчакўл" туризм-рекрацион худудуни ташкил қилиш ва инфртузилмасини барпо этиш ишларини урганиш ҳамда топшириқлар ижроси юзасидан Элликқалъа туманида комиссия рахбари сифатида **Матмуратов Б.** иштирок этди. Текшириш ва мониторинг ишлар олиб борилди ва якуни бўйича Агентликга жавоб берилди.

**- 2025 йил 10 сентябр. "Rar24/uz"** телеграм каналида намойиш этилган Караузяк тумани кўп тармоқли поликлиникаси ходимларининг мурожаатин ўрганиш бўйича Жўқорғи Кенгеснинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси томанидан тўзилган ишчи гуруғнинг раҳбари сифатида **Матмуратов Б.** иштироқ этди. Текшириш ва мониторинг ишлари натижалари бўйича ҚР Соғликни соқлаш вазирлигига поликлиника, туғрукхоналар ва бошқа малакали тиббий ёрдам кўрсатиш уринлари фоалиятида юборилган камчиликларни бартараф этиш ўнга йўл қўйган тегишли ходимларга интизомий чора кўришлари ва бўйча тавсиялар берилди.

**2025 йил 12 сентябр. Вазирлар Кенгашида** "коррупцияга қарши ички назорат" бўлими **бошлиғи Б.Матмуратов раҳбарлигида** Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 21 апрель куни қабул қилинган *"Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган асосий вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-71-сонли Фармонида ишлаб чиқилиши белгиланган 21 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини* тушунтириш ва мулоқот қилишга қаратилган ўқув-семинари бўлиб ўтди. Ўқув-семинарида **70 дан** ортиқ ортиқ давлат органлари, ташкилотлар ва корхоналарнинг коррупцияга қарши ички

назорат бўлими ходимлари ҳамда шаҳар (туман) ҳокимликлари ходимлари ZOOM платформаси орқали иштирок этди.

2025 йил 24 сентябр. "**Саноат қурилиш банки**" Қорақалпоғистон Республикаси бошқаримасида Вазирлар Кенгаши "коррупцияга қарши ички назорат" бўлими **бошлиғи Б.Матмуратов раҳбарлигида** *Президентимизнинг жорий йилнинг 21 апрель куни қабул қилинган "Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган асосий вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-71-сонли Фармонида ишлаб чиқилиши белгиланган 21 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини* тушунтириш ва мулоқот қилишга қаратилган ўқув-семинари бўлиб ўтди

**2025 йил 26 сентябр.** "**Миллий банк"** Қорақалпоғистон Республикаси бошқар масида Вазирлар Кенгаши "коррупцияга қарши ички назорат" бўлими бошлиғи **Б.Матмуратов** раҳбарлигида *Президентимизнинг жорий йилнинг 21 апрель куни қабул қилинган "Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомил лаштириш бўйича белгиланган асосий вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-71-сонли Фармонида ишлаб чиқилиши белгиланган 21 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини* тушунтириш ва мулоқот қилишга қаратилган ўқув-семинари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 5-март куни Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгашидаги маърузасининг мазмун-моҳиятини очиб бериш ва белгилаб берган вазифалар ҳақида - Вазирлар Кенгашининг Коррупцияга қарши ички назорат бўлими бошлиғи Б.Матмуратовнинг **радиога берган суҳбати Вазирлар Кенгашининг Karakalpakstan.uz** (t.me/QresMinistrler Kenesi) расмий телеграм каналига жойлаштирилди.

"**Korrupciyaǵa qarsı mawasasız gúres jańa basqıshqa kóterilmekte**" номли мақоласи «Еркин Қарақалпақстан» газетасининг 2025-йил **25-март куни** (№4-35-36(21214) сонида ҳамда "**Korrupciyaǵa qarsı gúres ulıwma milliy háreketke aylanıwı tiyis**" номли мақоласи Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат универси тетининг Ахборотномаси (№1(68). Нукус, 2024. 297-300-бетлар) да эълон қилинди.

Шунингдек, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг "Қарақалпақ университети"газетасининг **2025 йил 1 апрель** санасида №7(567) **"Korrupciyaǵa qarsí gúresiw – ulíwma milliy wazíypamíz"** номли мақола чоп этилди .

"**Коррупцияга қарши курашиш тизимига оид чора-тадбирлар амалда**" номли мақола «Еркин Қарақалпақстан» газетасининг **2025-йил 8-май** куни (№56(21234) сонида хамда **«Korrupciyaǵa qarsİ gúresiw sistemasİn hám onıń huqİqİy tiykarlarİn jáne de jetilistiriw»** **мақоласи Qaraqalpaq universiteti Avgust** 2025-jıl №15 (575) сонида чоп этилди.

**Коррупцияга қарши муросасиз кураш янги босқичда" номли мақоласи 14-март куни** (https://kknews.uz/kk/236329. html) ва"Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бойича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил етишга доир чора-тадбирлар амалида" номли мақоласи **2-май куни** (https://kknews.uz/uz/242831.html) Қорақалпоғистон **ахборот агентлиги** сайтида эълон қилинди.

Шунингдек, **2025 йилнинг 6 август куни** Ўзбекистон Республикаси Президентининг "*ПФ-71-сонли Фармони билан белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш бойича ишлаб чиқиладиган 21 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун аҳамияти* "буйича ҚР Кенгашининг Коррупсияга карши ички назорат болими бошлиги Б.Матмуратов томонидан радиога берган суҳбатлари Вазирлар Кенгашининг Каракалпакстан.уз (t.me/QresMinistrlerKenesi) **расмий телеграм каналига жойлаштирилди.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 16-июндаги ПФ-6247-сонли Фармонида белгиланган ижтимоий ахамиятга молик 27-банд бўйича маълумотлар Вазирлар Кенгашининг расмий веб-сайтида ва "Очиқ маълумотлар порталига" киритилиши таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 5-март куни "*Коррупциянинг олдини олиш бойича ишлар самарадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар*"га бағишланган Коррупцияга карши курашиш Миллий кенгашидаги маърузасида белгиланган вазифа ва топшириқларнинг шунингдек, *Президентимизнинг жорий йилнинг 21 апрель куни қабул қилинган "Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган асосий вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-71-сонли Фармонида ишлаб чикилиши белгиланган 21 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини* тушунтириш ва мулокот қилишга қаратилган ўқув- семинарлари вазирликлар, туман, шаҳар ҳокимлари ва бошка мутасадди ташкилотлар ходимлари иштирокида **режага мувофик доимий равишда хар ойда** Вазирлар Кенгашида ZOOM orqali ва жойларга чиққан холда бўлиб ўтмокда

**VI. Коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабарлар:** ҚР Вазирлар Кенгашининг Коррупцияга қарши ички назорат бўлими бошлиғи Б.Матмуратов тафсияси билан Қорақалпоғистон Республикаси худудий миллий кенгашининг карорига биноан бугинги куни КР соғликни соклаш вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълим вазирлиги, барча олий таълим тошкилотлари, тумон(шахар) хокимят органларининг фаолияти буйича **ишонич телефонлар** жорий этилди ва барчасига мутасадди рахбарлар билан бирга Вазирлар Кенгашининг Коррупцияга қарши **ички назорат бўлими телефон номери** берилган.

ҚР Вазирлар Кенгашининг Коррупцияга қарши ички назорат бўлими бошлиғи Б.Матмуратов томонидан соғлиқни соқлаш идораларининг ахолига хизмат курсатиши бўйича кунига 4-5 мурожаат телефон орқали қабўл килинип барчаси ижобий ечилиб келинмоқда. Мурожатларнинг 25-30% да маиший коррупциянинг белгилари мавжуд (бепул хизматлар учун пул олиш, шприц, спирт ва ваталар, айрим дориларни, айниқса ўринсиз қиммат дориларни олдириш, беморларга эътиборсизлик, таъмагарлик). Қўпол хатоликларга йўл қўйган **хамширалар интизомий** жавобгарликга тортилди. **Марказий туғриқхона директори ва юристи ишдан бўшатилди.**

**VII. Мониторинг ва назорат:**

Ҳисобот даврида коррупцияга карши курашиш тизимининг моҳияти ва зарурияти, унинг қонунчилик талаблари, шу жумладан, халкаро стандартлар талабларига мувофиқлиги бўйича шаҳар ва туманлар ҳокимликларида одоб-аҳлоқ коидалари ҳамда коррупцияга карши курашиш бўйича ишлаб чиқилган манфаатлар

тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш ва бошқа ички **идоравий ҳужжатларга риоя** этилиши юзасидан мунтазам равишда мониторинглар ўтказилиб борилмоқда ва давлат хизматчиларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакиллантириш бўйича ўқув семинарлари ташкил этилмоқда. .

халқаро стандартлар талабларига мувофиқ одоб-ахлоқ қоидалари ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича ишлаб чиқилган манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш ва бошқа ички **идоравий ҳужжатларга риоя** этилиши юзасидан мониторинг ўтказилди.

**VIII. Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга таъсир чоралари:**

Вазирлар Кенгаши томонидан коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича ички идоравий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Бугунги кунда, Вазирлар Кенгаши ходимлари томонидан коррупциявий жиноятлар содир этилмаган ҳамда коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ва ички идоравий талаблар бузилмаган.

Вазирлар Кенгашида коррупцияга қарши курашиш бўйича талабларнинг бузилганлиги тўғрисида ахборот келиб тушмаганлиги ва қоидабузарликлар аниқланмаганлиги сабабли ходимларга нисбатан таъсир чоралар кўрилмаган.

20 га яқин давлат органлари, ташкилотлар ва корхоналарнинг коррупцияга қарши ички назорат бўлими ва ички аудит хизмати фаолиятларининг самарадорлиги ўрганилди. Яхши натижага эришган ташкилот **тажрибалари намуна сифатида** олиниб бошқа идораларга етказилди. Камчиликга йўл қўйган **ходимларга огохлантириш** берилди ва Техника университети филиали коррупцияга **қарши ички назорат бўлими ходими ишдан** бўшатилди.

**IX. Хулосалар:**

Вазирлар Кенгашининг Коррупцияга қарши ички назорат бўлими томонидан Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ва Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда, шаҳар ва туманлар ҳокимликларида коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш мақсадида, ходимлар ўртасида семинарлар ўтказилиб келинмоқда.

**Доимий равишда** "Корруппцияга қарши курашиш тўғрисида"ги, "Манфаатлар тўқнашуви тўрисида"ги ва бошқа қонунлар, шунингдек, Президентимиз Фармон ва Қарарларининг мазмун аҳамияти бўйича уқув семинарлар утказилиб борилмоқда. Айниқса Президентимизнинг жорий йилнинг 5-март куни "*Коррупциянинг олдини олиш бойича ишлар самарадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар*"га багишланган Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгашидаги маърузасида белгиланган вазифалар ва "*Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган асосий вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида*"ги ПФ-71-сонли Фармонида ишлаб чикилиши белгиланган 21 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тушунтириш ва мулоқот қилишга қаратилган ўқув-семинари тизимли амалган оширилмоқда.

Олиб борилган тарғибот тадбирлари натижасига кўра бугунги кунда шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ходимлари томонидан коррупциявий жиноятлар содир этилмаган ҳамда коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик талаблари бузилмаган.

**X. Коррупцияга карши курашиш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва тадбирлар режаси:**

Вазирлар Кенгашининг Коррупцияга қарши ички назорат бўлимида иккита штат бирлиги мавжуд бўлиб, ушбу бўлим Вазирлар Кенгаши ҳамда шаҳар ва туманлар ҳокимликларида коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чораларини кўришга масъул ҳисобланади.

Коррупцияга карши ички назорат бўлими томонидан шаҳар ва туманлар ҳокимликларида коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар режаси ва 2025-йилга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Дастури ишлаб чиқилиб, ушбу дастурда берилган топшириқларнинг ўз муддатларда бажарилиши тўлиқ назоратга олинган.

**ҚР Вазирлар Кенгашининг коррупцияга қарши ички назорат бўлими бошлиғи** **Б.Матмуратов**